



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PARVOZLAR XAVFSIZLIGINI  
NAZORAT QILISH DAVLAT INSPEKCIYASI  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI  
XUZURI DAGI GIDROMETEOROLOGIYA XIZMATI MARKAZI**

**ҚАРОРИ**

**“Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясининг метеорологик таъминоти бўйича” Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-180) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг метеорологик таъминоти фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ИКАОнинг стандартлари ва тавсияларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази қарор қиладилар:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармасининг 2002 йил 26 декабрдаги 154,332-ОП-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиациясини метеорологик таъминоти бўйича” Ўзбекистон Республикаси авиация қоидаларига (ЎЗР АҚ-180) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси  
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш  
давлат инспекцияси бошлиғи

Ўлжаев Т. Э.

М.Ў.

Тошкент ш.,  
2017 йил 16 январь  
39 - сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги  
Гидрометеорология хизмати маркази  
бош директори



Чуб В. Е.

М.Ў.

Тошкент ш.,  
2017 йил 16 январь  
7 - сон